# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 26-IYUL, JUMA, 91 (8172)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Экологик жиҳатдан безарар, нархи арзон ва тез таъсир этувчи усул – ҳашаротга қарши ҳашарот билан кураш усулидан фойдаланиш керак. Бу яхши натижа беради. Бундай ҳашаротлар қишлоқлардаги биолабораторияларда кўплаб етиштириляпти. 2



Олтиариқ туманидаги токзорлар, уларда новвот каби товланиб турган узумлар кўзни қувонтиради. Бугунги кунда туманда узумнинг қирқдан ортиқ нави парваришланмоқда. Узум етиштиришда ўзига хос тажриба мактаби яратган олтиариқликлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. 3




Жорий йилда Сирдарё вилоятида “Келажак овози” республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг туман ва шаҳар саралаш босқичларида қарийб уч мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Уларнинг орасидан сараланган 571 нафар талабалар, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаби ўқувчиларидан иборат ёшлар кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Бухоро Вилояти

## ЯНГИ МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ

***Президентимизнинг 2008 йилдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда.***

Ўтган давр мобайнида бир қатор туманларда янги мусиқа ва санъат мактаблари қуриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу йўналишдаги мавжуд мактабларда таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, ёш авлоднинг ўз истеъдод ҳамда иқтидорини юзага чиқариш учун имконият яратиб берилди.

Жорий ўқув йилида Олот ва Когон туманларида ана шундай янги мактаб санъатга, мусиқага иштиёқманд ёшларни ўз бағрига олади. Газли шаҳарчасидаги 17-сонли мусиқа ва санъат мактаби эса реконструкция қилинди.

Когон туманидаги 6-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби “Олмос Тўра” масъулияти чекланган жамиятининг бунёдкорлари томонидан қурилди. Мактаб қурилиши учун салкам 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ҳозирда қурилиш объектида сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Бино нафақат ташқи кўриниши, балки юқори сифатли қурилиш ашёларидан бунёд этилгани билан ҳам эътиборга моликдир.

**Ҳамроз АЛИ**

Андижон Вилояти



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

## ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ШИЖОАТ ИФОДАСИ

**Бугун Андижоннинг қай гўшасига борманг, ободлик ва саришталикдан кўзингиз қувнайди. Асаднинг қайноқ ҳароратига қарамай, теварак-атроф кўкламдагидек беғубор, фусункор ва ям-яшил. Кишиларнинг юзию кўзида бугунги кунга шукроналик ва эртанги кунга ишонч порлайди.**

Президентимизнинг шу йил 12 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизда “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилаётган байрам тадбирларида, янги ишга туширилаётган бино ва иншоотларда буни янада аниқроқ кўриш мумкин.

Андижонда бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!” кўрик-танловига бу йил ҳар сафаргидан ўзгача тайёргарлик кўрилди. Меҳнат ва санъат фестивалининг ўзига хослиги “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг бўлди.

Дастлаб танлов Андижон туманидан бошланди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари туман аҳлининг жорий йилда эришган меҳнат ютуқларига баҳо берар экан, уларнинг ҳар бир соҳада ўз салоҳиятини намоён этаётганлигини таъкидладилар. Айниқса, бетакрор қиёфаси билан барчани ўзига ром этаётган Оқёр қишлоғидаги Истиқлол маҳалласида ташкил этилган халқ амалий, бадиий ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, Бўтақора, Орол, Қўнжи қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳар бир хонадон ва маҳалла гузарларининг чаманзорга айлантирилгани барчага манзур бўлди. Фестиваль арафасида “Rubber trast” хусусий корхонаси раҳбари, “Ташаббус-2013” республика кўрик-танлови ғолиби Абдуҳошим Исмоилов ташаббуси билан ташкил этилган “Rubber trast and eva produktov” қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда яратилган юздан зиёд янги иш ўрнида ёшлар меҳнат фаолиятини бошлади. Ҳакан қишлоғида “Дарҳон шифо” хусусий тиббиёт маркази, Ҳартум қишлоғида эса “Комроншоҳ” тантаналар саройининг фойдаланишга топширилиши ҳам туман аҳли учун муносиб туҳфа бўлди.

Асака туманининг Файзиобод маҳалласида замонавий қишлоқ бозори ҳамда “Сардорбек савдо замин” хусусий корхонаси, Қайрағоч маҳалласида замонавий ҳаммом, Чек маҳалласида эса “Файз” маиший хизмат мажмуаси каби хизмат кўрсатиш марказлари ишга туширилди. Энг муҳими, уларнинг аксарияти тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан бунёд этилди.

Балиқчи туманида ҳам бу борада ҳавас қилса арзигулик ишлар олиб бориляпти. Хусусан, ҳудудда аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари ҳисобига саломатликларини мустаҳкамлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганлиги танлов ҳайъати аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.

**(Давоми 3-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Учрашувда икки томонлама муносабатларга, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – АҚШ мулоқоти конструктивлик ва мунтазамлик касб этиб бораётганини, бу томонларни қизиқтирган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бераётганини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида минтақавий муаммолар кўриб чиқилар экан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Генерал Л.Остин самимий қабул ҳамда икки томон учун долзарб бўлган масалаларни атрофлича муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## «ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

***“Маънавият” нашриёти томонидан “Президентга мактублар” китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди.***

Маълумки, мазкур китобнинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди 2009 йилда нашр этилган ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.

Китобнинг янги – учинчи жилдидан мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндалари томонидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига 2009-2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.




Шу йил 25 июль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур йиғилишда таниқли олимлар, тарихчи ва файласуфлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ўқувчи ва талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида “Президентга мактублар” китобининг учинчи жилди мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги катта воқеа экани таъкидланди. Ушбу тўпламдан ўрин олган, турли касб ва ижтимоий тоифага мансуб юртдошларимиз томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари учун амалга оширилаётгани ва уларнинг амалий натижалари ҳар бир оила, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида яққол намоён бўлаётгани аниқ мисоллар асосида акс эттирилгани, барча мактублар ўзининг самимий руҳи, Ўзбекистон раҳбарига юксак ишонч, ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан алоҳида ажралиб туриши ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Расулов, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор А.Маврулов, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Н.Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист С.Ашуров, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси М.Иззатуллаева, адабиётшунос олимлар З.Исомиддинов, С.Аҳмедов, ёзувчи У.Ҳамдамов ва бошқалар сўзга чиқиб, “Президентга мактублар” китобининг учинчи нашри Ўзбекистон Президентининг ғоят масъулиятли ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар халқимиз ҳамда кенг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида атрофлича маълумот бериши, бу борадаги тушунча ва тасаввурларни кенгайтириши, ёш авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**ЎзА**

Хоразм Вилояти

## САНОАТ РАВНАҚИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш орқали уларнинг реал даромадлари изчил ўсишини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Боғот туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, қайта ишлаш саноатини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ўтган олти ойда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича 2940 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 3032 та янги иш ўрни яратилди ва дастур кўрсаткичи 103,1 фоизга бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда Президентимизнинг вилоят саноатини ривожлантиришга оид қарори ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир. Ўтган муддат ичида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини ошириш ҳисобига 168 та иш ўрни яратишга эришилди. “Боғотпахтатозалаш” ОАЖ томонидан йилига 200 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ва 0,25 гектар майдонда иссиқхона ишга туширилиши натижасида 20 нафар киши иш билан таъминланди. “Каботекс” МЧЖда трикотаж мато ишлаб чиқариш тармоғи йўлга қўйилиб, 12 та иш ўрни, “Элита пилла” МЧЖда 40 та янги иш ўрни яратилди.

Кичик корхона ва фирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Бу борада туманда белгиланганидан анча зиёд иш ўрни ташкил қилинди. Айниқса, “Найманбинокорқурилиш”, “Иззат Комил”, “Нурулла Гулшод”, “Боғотбунёдкор”, “Қўзибой Музаффарбек”, “Акмал-Илёс-Яйра” каби хусусий корхоналарда ишчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Тадбиркорлардан Уйғун Қуранбоев, Фазилат Маткаримова, Сирож Хўжаев, Ўткирбек Мадаминов, Каромат Отамуротова, Садоқат Матёзовалар ҳам аҳолини иш билан таъминлашда устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб, катта ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда самарали усуллардан ҳисобланган касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 1103 та иш ўрни яратилди.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар — паррандачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ҳисобига эса 809 та иш ўрни яратилди. Хусусан, “Галди бобо ўғли Йўлдошбой”, “Асалхон Шакаржон”, “Иброҳим боғбон”, “Нурбобо”, “Холмурод ўғли Мансур”, “Шарофжон Қаландар ота ўғли”, “Саидмуҳаммад”, “Миржаҳон деҳқон” фермер хўжаликларида 4-7 тагача янги иш ўринлари яратилгани фермер хўжалиги фаолиятини янада яхшилаш ва аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз. Туманда ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига ҳам 30 та янги иш ўрни яратилди.

Сирасини айтганда, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1764 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, уларнинг 1568 нафари корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди.

Жорий йилда тумандаги касб-ҳунар коллежларини 2681 нафар битирувчи тамомлади. Улар мунтазам ўтказилиб келинаётган меҳнат ярмаркаларида уч томонлама имзоланган шартномалар асосида иш билан таъминланмоқда.

Бундан бир неча ўн йиллар аввал бармоқ билан санарли даражада саноат корхонаси бўлган, улар ҳам алмисоқдан қолган ускуналар билан жиҳозланган эди. Туманда амалдаги йилнинг ўзида энг сўнгги замонавий технологиялар билан жиҳозланган 13 та корхона, жумладан, 200 иш ўрнига эга бўлган “Хоразм текстил” МЧЖ ишга туширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муносабати билан ўнлаб кичик корхоналар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Энг муҳими, бунинг ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

**Мансурбек БОЛТАЕВ,**
**Боғот тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори.**

Жиззах Вилояти

# ПРЕПАРАТЛАР ЎРНИГА ФОЙДАЛИ ҲАШАРОТЛАР

## МИРЗАЧЎЛЛИК ПАХТАКОРЛАР БИОЛОГИК УСУЛЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

**Деҳқон тақвимида саратон тугаб, асад бошланди. Пахтакорларимиз бу ойнинг ғўза ҳосилига ҳосил қўшиш ва ҳосилнинг толадор, толанинг пишиқ бўлиб етилишини таъминлашдаги аҳамиятини назарда тутиб, «Асад — экинингни ясат» иборасини ишлатган. Миришкор боғбон, соҳибкор ва полизкорларимиз эса «Асад — неъматларинг ошат» ибораси орқали мева-сабзавотларнинг пишиб етилишини, бинобарин, уларни эл дастурхонига кўпроқ тортиқ этиш лозимлигини назарда тутган.**



*Фермер Шавкат Жовбўриев, лаборатория ходимлари Мақсуда Янгибоева ва Ҳадя Кўчқоравалар.*

Дарҳақиқат, асад пахта далаларида ҳосилга ҳосил қўшишнинг ҳал қилувчи ойи. Бу ойда пахтакорларимиз ғўза парваришини ҳар қачонгидан кучайтириш, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш билан бирга, далалар агроэкологиясига ҳам жиддий эътибор берадилар. Бу экология ҳосилга ҳосил қўшишнинг муҳим омил ва шарти ҳисобланган экинни маҳаллий ўғитлар “шарбати” қўшилган обиҳаёт билан суғориш, лой-балчиқли, тупроқли фекаль компости ва бошқа чириндили озуқалар билан озиқлантириш, бегона ўт ва зарарли ҳашаротлардан муҳофаза этиш сингари тадбирларни қамраб олади.

Мирзачўл туманида бу борада амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Қарийб 12 минг гектар майдонда ғўза ўстириб, пахта етиштирилаётган туман далаларида айни пайтда 4 минг нафардан зиёд сувчи экинни асад сувига қондирмоқда. Ғўза қатор ораларига олтинчи марта комплекс ишлов бераётган 348 та чопиқ трактори механизаторлари эса кунига 1,5 минг гектарга яқин юмшатиш ишларини бажаришяпти. Бундан ташқари, бегона ўт ва зарарли ҳашаротларга қарши кураш ишлари ҳам намунали ташкил этилган.

— Айни пайтда ғўза ҳосилига хавф солиши мумкин бўлган асосий ҳашарот кўсак қуртидир, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Лолабек Ҳасанов.— Фермер ва деҳқонларимиз уни эътиборга олиб, илгаридан бунга қарши кураш чоралари кўриб келишяпти. Масалан, ғўзалари ҳали эндигина шоналаб, дастлабки ҳосил тугунлари кўрина бошлагандаёқ далаларига қурт тарқатувчи капалакларга қарши ферамон тутқичлар, ачитқили баклашкалар қўйишганди. Булар жуда самарали тузоқ. Улар капалаклар иштаҳасини қўзғатувчи ва ўзига жалб этувчи махсус елим, резина, хамир ачитқиси, шакар, олма қоқи каби маҳсулотларнинг сув билан аралашмасидан тайёрланиб, капалаклар келиб қўниши биланоқ ёпишиб қоладилар. Бундан ташқари, кўплаб трихограмма ва олтинкўз чиқариб ҳам капалакларга қирон келтиришган.

Капалаклар камайиб боргани сайин кўсак қуртлари ҳам йўқола боради. Ахир, кўсак қуртлари пайдо бўладиган уруғларни шу капалаклар қўйишади-да. Улар ғўза барги тагига, шона ва гуллар бандига, ҳатто шохлар оралиғига уруғларини қўяди. Уруғлар улғайиб, қуртга айланишади ва кўсакларга жойлашиб олиб, уларни ичдан «кемира бошлашади». Бунга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?

Экологик жиҳатдан безарар, нархи арзон ва тез таъсир этувчи усул – ҳашаротга қарши ҳашарот билан кураш усулидан фойдаланиш керак. Бу яхши натижа беради. Бундай ҳашаротлар қишлоқлардаги биолабораторияларда кўплаб етиштириляпти.

Туманимизда 8 та шундай лаборатория ишлаб турибди. Айни пайтда туман мутахассисларидан тортиб, биолабораторияларнинг барча лаборант ва хизматчиларию, фермер хўжаликларининг аъзоларигача пахтазор пайкалларида. Кузатиш, аниқлаш, зарарли ҳашаротларга қарши фойдали ҳашаротлар «лашкар»ини йўллаш ишлари билан банд.

Ҳозиргина «Янгидала» сув истеъмолчилари уюшмасидан қайтдим. Уюшмадаги 46 та фермер хўжалигининг аксарияти далаларида кўсак қурти ёки бошқа зарарли ҳашарот хавфи йўқ. Баъзи ҳудудларда кўсак қуртлари борлиги аниқланган фермер хўжаликлари пахтазорларига «Шавкат» фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Жовбўриевнинг «Янгидала олтинкўз» хусусий корхонасида очирилиб кўпайтирилаётган олтинкўз ва браконлар қўйилиб, тезда бартараф этилаётир.

Ушбу лабораторияга етиб келганимизда, фермер Шавкат Жовбўриев отаси ва корхона иш юритувчиси Нурмат Жовбўриев билан аллақандай қоғозларга қараб, нималарнидир ҳисоб-китоб қилишарди. Отанинг баъзи гапларидан тушундикки, пахтазорга олиб борилаётган ҳашаротларни беҳуда исроф қилмаслик, тежаш керак.

— Қара-да,— дерди у, — кўсак қуртлари кўп бўлмаса, браконни гектарига 500-600 тадан оширмай тарқатинглар. Улар қуртларни шундоққина чақади-да, танасига уруғ қўйиб кетишади. Уруғ эса, тезда кўсак қурти вужудида улғайиб, уни нобуд этади. Қарабсанки, кўсаклар омон, ҳосил жойида. Тўғри, минг ва бир ярим мингтадан қўйиш керак бўлган жойлар ҳам бўлади, лекин бундай майдонлар бизда асло йўқ.

Отанинг ишонч билан гапириши бежиз эмасди. Негаки, у қарийб 30 йил ҳосилот ва бош ҳосилот вазифаларида ишлаб, ҳудуднинг ер шароитини ҳам яхши билади. Заракунанда ҳашаротларга қарши фойдали ҳашаротлар билан кураш агротехникасини вилоятда биринчи бўлиб қўллаган, биринчи биолаборатория ташкил этган киши ҳам Нурмат Жовбўриев бўлади.

— Зарарли ҳашаротларга қарши биологик кураш кимёвий курашга нисбатан икки ҳисса самарали ва уч марта арзон, — дейди Н.Жовбўриев. — Буни биргина «Шавкат» фермер хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шавкатжоннинг ўз хўжалигини ташкил этганига ўн йил тўлди. У бошлиқ деҳқонлар 127 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан олаётган пахта ҳосилдорлигини биринчи йиллардаги 18 центнердан 32 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 28 центнердан 65 центнерга кўтаришга эришдилар.

— «Адҳам», «Хатирчи», «Ҳамро бобо» ва бошқа фермер хўжаликларида ҳам биологик кураш ва илғор агротехника усулларини қўллаб, сўнгги ўн йил давомида ҳар гектар пахта ҳосилдорлигини аввалги 16-18 центнердан 28-30 центнергача кўтаришга муваффақ бўлаётирмиз, — дейди “Янгидала” сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Қўчқор Маматов. — Ҳосилдорлик ошгач, даромад ҳам ошмоқда. Бу эса меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширмоқда. Масалан, фермерларнинг бултурги даромадлари эвазига қишлоғимизда 8 та муҳташам ҳовли-жой тикланди. Беш киши янги машина сотиб олишди. Бешта фермер хўжалиги трактор, сеялка ва культиваторлар харид қилишди.

Мухтасар айтганда, мирзачўллик пахтакорлар изланиб ишлаб, ишлаб изланиб, меҳнатни кўнгилдагидай ташкил этишяпти. Буни уларнинг ғўзаларни зарарли ҳашаротлардан ҳимоялашда кимёвий препаратлардан эмас, фақат биологик усуллардан фойдаланаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Жойларда жорий йил биринчи ярмида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари ижросига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.*

# ЮКСАК НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** Вилояти ҳокими С.Исмоилов бошқарган йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган дастурларни амалга оширишда йилнинг биринчи ярмида салмоқли натижаларга эришилганлиги таъкидланди. Жумладан, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот 9,7 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,9, истеъмол моллари ҳажми 16,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,3, капитал қўйилмалар 23,1, пудрат ишлари кўлами 14,5, чакана товар айланмаси 15,0, жами хизматлар 19,2, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,7 фоиз ўсиши таъминланди.

Ярим йилликда қиймати 98 миллиард сўм бўлган 783 лойиҳа амалга оширилиб, 3 минг 932 янги иш ўрни яратилди. Вилоят саноати салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 21,4 миллион долларга тенг 137, шу жумладан, 33 озиқ-овқат, 94 нооозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди.

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳисобот даврида очилган 23 минг 698 иш ўринларининг 68,7 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келди.

«Обод турмуш йил» Давлат дастурига асосан ишлаб чиқилган вилоят дастури ижросини таъминлаш учун барча манбалар ҳисобидан жами 590,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Ўтган даврда дастур ижросини таъминлаш учун 312,0 миллиард сўм маблағлар йўналтирилиб, салмоқли ишлар бажарилди.

Вилоятда тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар ажратиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун кредитлар бериш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Вилоят ҳокими О.Ашурматов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш, янги қувватларни ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижаларга эришилаётгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 8,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш ишлари ҳажми 12,3 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 10, чакана товар айланмаси 16,2, хизматлар 15,4 фоизга ўсди.

Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида жорий йилнинг олти ойи мобайнида 1 минг 54 лойиҳа амалга оширилиб, 266,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди. Ҳудудий корхоналар томонидан 22,5 миллион доллар миқдорида экспорт ишлари амалга оширилиб, белгиланган режа 178,6 фоизга бажарилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 94,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада ўн икки мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Йиғилишда 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида саноат, сервис, хизмат кўрсатиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Дастур ижросини таъминлашда Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон, Мирзаобод, Сардоба туманларида камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Мазкур нуқсонларни бартараф этиш ҳамда энг муҳим устувор вазифаларни изчил бажариш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Қарши шаҳрида электрон корпоратив харидлар тизимини мақбуллаштириш, улардан тадбиркорларнинг фойдаланишини кенгайтириш, давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

# КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР ТИЗИМИ МАҚБУЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ушбу семинар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат архивларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларининг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Маърузачилар ушбу қарорлар юзасидан белгиланган вазифалар, уларнинг ижроси таъминлангач, электрон харидлар тизимида яратиладиган қулайликларни слайдлар асосида тушунтириб беришди.

– Электрон корпоратив харидлар тадбиркорларимиз учун кўпгина қулайликлар яратади, – дейди Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси вилоят филиали раҳбари Санжар Эргашев. – Махсус ахборот портали орқали улар ҳукумат комиссияси рўйхатига асосан 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача миқдордаги электрон харидларни амалга оширишлари мумкин. Корпоратив харидлар электрон тизимининг ижобий жиҳати шундаки, савдоларда ошкоралик таъминланади, самарадорлик юқори бўлади ҳамда нохолисликка умуман йўл қўйилмайди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Шу кунларда Чимбой туманидаги фермер хўжаликларида ғўзани агротехник тадбирлар асосида парваришлаш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Тумандаги “Ерман оталик” фермер хўжалигининг раҳбари, тажрибали деҳқон Турдибой Қарлибаевни дала бошида ғўзаларни “шарбат” усулида суғораётган пайтда учратдик.**

— Деҳқончиликда йил-йилга ўхшамайди, — дейди фермер салом-аликдан сўнг. — Жорий йилги баҳор ўтган йилга нисбатан бироз салқин келди. Бу эса ғўзанинг ўсиб-ривожланишига таъсир кўрсатди. Шунинг натижасида ғўзанинг ривожи 10-15 кунга кеч қолди. Лекин ғўзани интенсив ривожлантиришга катта эътибор қаратиб, уни ўз вақтида етиштириш чораларини кўряпмиз. Ҳозиргача ғўза майдонлари бегона ўтлардан тозаланиб, қатор оралари юмшатилди. Ҳар гектарига 650-700 килограммдан минерал ўғит берилди. Асосийси, ғўза майдонларини тунда суғоришнинг “шарбат” усулига эътибор беряпмиз. Айни кунда биринчи суғориш ишлари якунланди. Натижада ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ўтган йилги даражага етказилди.

Тумандаги фермерлар икки йилдан буён ғўзанинг “Чимбой 5018” навини экиб келмоқда. Ўтган йили биринчи марта экилишига қарамасдан гектарига 45 центнердан ҳосил олинди. Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ушбу янги нав маҳаллий иқлим шароитга мослиги, тез пишарлиги ва энг асосийси, сувга чидамлилиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, Турдибой Қарлибаев раҳбарлик қилаётган “Ерман оталик” фермер хўжалиги ўтган йилни муваффақиятли якунлаган эди. Фермер хўжалиги раҳбарининг айтишича, бу йил ҳам ҳосилдорлик ўтган йилгидан кам бўлмайди.

— Ҳудудимиздаги фермерларнинг суғоришни интенсив, яъни “шарбат” усулида олиб бориши учун барча шароитлар яратилган, — дейди “Ҳабибулла махсим” муқобил машина-трактор паркининг раҳбари Камалатдин Абдреимов. — Пахтачиликка ихтисослашган 22 та фермер хўжаликлари жорий йилда 450 гектар майдонга чигит экиб, айни кунда агротехник тадбирлар асосида парваришлаш, суғориш ишлари олиб борилмоқда. Ғўзанинг қатор оралари озиқлантирилиб, уч марта суспензия берилди. “Ерман оталик”, “Нурланбек Бекбергенов”, “Жиемурод бобо Даниёрбек” ва бошқа фермер хўжаликларининг ғўза далалари кўзни қувонтиради.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Бухоро Вилояти

# Фермернинг юлдузлар шодаси

**Қулмурод аканинг ота-боболари ҳам бир умр деҳқончилик билан шуғулланган. Аммо уларнинг меҳнатини биров қадрламаган, ишлаганига яраша ҳақ олмаган, манфаатдорлик кўрмаган. Чунки ўша даврларда “годовой отчёт” якунидан сўнг эълон қилинадиган даромаднинг салмоғи колхознинг бойлигига боғлиқ эди. Қишлоқ аҳлининг асосий қисми яхши ҳақ олиш, шунинг эвазига тўй қилиб, фарзандларини уйли-жойли қилиш, жилла қурса, рўзғордан орттириб бирон нарса харид қилиш илинжида йил бўйи тер тўкиб меҳнат қиларди. Аммо орттиргани ҳеч нарсага етмасди.**

Бугун – деҳқон мулкдор, ўз меҳнати самарасини кўрмоқда. Қулмурод аканинг ўғлида бир эмас, иккита замонавий автомобиль – “Matiz” ва “Lacetti” бор. У озод ва обод юртнинг катта фермери.

Мустақиллик халқимизга ҳурлик, озодлик билан бирга, инсондаги яширин истеъдодларни кашф этиш, орзуларини рўёбга чиқариш имконини ҳам туҳфа этди. Буни қаҳрамонимиз ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Қулмурод Исматов бир неча йиллар турли идораларда самарали меҳнат қилди, сўнгра мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, ҳаётини фермерлик билан боғлашга қарор қилди. Бундайларни ота-бобосига тортди, дейишади.

Ҳар қандай ишни бошлашда муайян машаққатни босиб ўтишга тўғри келади. Шу маънода бўлғуси фермерга ҳам оғир “мерос” ўтган эди. Собиқ ширкат хўжалиги чорвачилик фермаси биносининг бир қисми ва 63 бош қорамол, қолаверса, унга насиб этган пахта ва ғалла парваришланадиган 7 гектар, озуқа экинлари экиладиган 23 гектар майдон унумсиз ерлардан иборат эди.

– Фаолиятимни ишнинг кўзини биладиган деҳқону мутахассисларни танлашдан бошладим, – дейди фермер. – Аммо ҳар қандай ишчи-ходимнинг манфаати жойига қўйилмаса, меҳнатига яраша ҳақ тўланмаса, у сидқидилдан ишламайди. Шу боис хўжалик аъзолари ўзи қилаётган меҳнатига мос манфаат ҳис этишига алоҳида эътибор қаратдим.

Қилинган меҳнатлар ўз самарасини кўрсатди. Ширкат хўжалиги даврида аранг 18 центнерга етказиб пахта олинган майдонларда ҳосилдорлик бир йилдаёқ 35 центнердан ошди. Ғалла майдонларида икки баробардан ортиқни ташкил этди. Ер майдонлари оптималлаштирилгандан сўнг, “Омад юлдузлар шодаси” ер майдони янада кенгайди. Бугунги кунда хўжалик ҳисобида 60 гектар пахта ва ғалла экиладиган майдон бор.

Тан олиш керак, чўл шароитида деҳқончилик қилиш осон эмас. Экин майдонларининг асосий қисми зовурдан насос орқали олинадиган сув билан суғорилади. Агар бу ерлар қумлоқ ва сув тез сингиб кетиши ҳисобга олинса, тупроқда намликни сақлаб қолиш деҳқондан катта омилкорликни талаб этади. Бу борада ҳам фермер хўжалигида тажриба етарли. Ерга шудгорлаш мавсуми ва ғўза парвариши даврида етарли миқдорда маҳаллий ўғит солинади. Бу ёз ойларидаги жазирама иссиқ таъсирини камайтиришда ҳам қўл келади. Албатта, қатор ораларига сифатли ишлов беришнинг нафи бўлакча. Бунинг учун фермер хўжалигида техника етарли. Хўжаликнинг зарур транспорт воситалари билан таъминланганй мўл ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлаётир. Ишнинг ана шундай омилкорлик билан йўлга қўйилгани самарасида ўтган йили фермер хўжалигида ҳосилдорлик пахтадан 36, ғалладан 89 центнерни ташкил этди.

Кўп тармоқли фермер хўжалигида айни пайтда наслдор қорамол сонини кўпайтириш борасида ҳам ибратли тажрибалар тўпланган. Ўтган йили хўжалик буюртмачиларга бир нечта зотли мол етказиб берди.

Бугунги кунда 15 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоада ҳар бир тармоқ бўйича самарадорликни ошириш ва жамоа аъзолари манфаатдорлигини кучайтириш юзасидан салмоқли ишлар олиб борилаётир. Хусусан, ўтган йили хўжаликда юз миллион сўмдан зиёд соф даромад олинган бўлса, деҳқонлар жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш юзасидан зарур ишларни амалга ошираётир. Чунки давлатга юз тоннадан зиёд дон сотилиб, шартномавий режа ошириб бажарилди. Ҳосилнинг қолган қисми хўжалик омборига тўкилди.

– Ҳар биримиз ўртача уч тоннадан буғдой олдик, – дейди хўжалик ишчиси Ёрқул Яхшиев. – Хўжалигимизда ҳар бир ишчининг қўшимча даромад олишига ҳам жиддий эътибор берилади. Масалан, ўтган йили фермер хўжалигимиз раҳбари ўз ҳисобидан ишчиларнинг ҳар бирига 50 бошдан жўжа олиб берди. Ҳозирда хонадонлар ўзларини таъминлабгина қолмай, эҳтиёждан ортиқча тухумни сотиб, қўшимча даромад ҳам олмоқда.

Ер – хазина. Унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш мўл ҳосил ва барака дегани. “Омад юлдузлар шодаси” фермер хўжалигида бу ҳаётий ақидага қатъий амал қилинаётир. Ғалладан бўшаган майдонлар пешмапеш шудгорланмоқда. Яқин кунларда ерларга озуқабоп оралиқ экинлар экилади.

– Пахтадан юқори ҳосил олиш учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажариш зарур, – дейди Қулмурод Исматов. – Аммофос ва калий аралашмасини ерга ёппасига эмас, балки чигит экиш пайтида киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда униб чиққан ғўза илдизи тез қувват олиб, баравж ўсади. Албатта, бу технологияни амалга ошириш учун чигит экиш механизмини такомиллаштириш, техникага қўшимча мослама ўрнатиш зарур.

Омилкор деҳқоннинг ғояси яқинда унинг даласида бўлган Андижон пахтачилик институти олимларига ҳам маъқул тушди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини кучайтиришга доимий ғамхўрлик кўрсатилаётгани, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар, солиқ ва бошқа имтиёзлар туфайли фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айланди.

– Мамлакатимизда биз, фермерларга берилаётган имконият ва имтиёзларга бошқа давлатлар фермерлари ҳавас қилса арзийди, – дейди у. – Масалан, бугунги кунда ер эгаси ўз тасарруфидаги ер майдони шароитини ҳисобга олган ҳолда, ўзи учун мақбул экин навини танлаш ҳуқуқига эга. Фермер учун бу жуда муҳим. Чунки Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалик майдонларининг каттагина қисми шўрланган. Ҳар йили давлатимиз томонидан зовурларни таъмирлашга миллиардлаб маблағ сарфланаётгани захни қочириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини бераётир. Фермер хўжалигимиз ҳудудидан ўтадиган 5 километр узунликдаги коллектор қазилиши туфайли йигирмадан ортиқ фермер хўжалиги ер майдони зах таъсиридан халос бўлди. Вилоятимизда, жумладан, Шофиркон туманида мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим омили бўлган ирригация-мелиорация тадбирларини уюшқоқлик билан амалга оширишга қаратилаётган эътибор фермер хўжаликлари имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Туман фермерлар кенгашини ҳам бошқараётган Қулмурод Исматовни ҳудуддаги деҳқон ва фермерлар ўзининг яқин маслаҳатчиси, кўмакчиси деб билади. Дарҳақиқат, туман фермерларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал қилишда фермерлар кенгашининг ўрни катта.

**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Навоий Вилояти

▼ ЮРТИНГ ОБОД – ДИЛИНГ ОБОД

# ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ БЎСТОН

**Қимматбаҳо олтини ва бошқа турдаги рангли металлари билан донг таратган Зарафшон шаҳри таркибидаги Довғистов қўрғони бутун бир «Қурувчи» маҳалласини ташкил этади. Ушбу обод маскан Зарафшон шаҳридан 45 километр узоқликда жойлашган. Шунга қарамай довғистовликларнинг Зарафшон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ўрни, ўз салмоғи бор.**

– Одамларимиз аҳил ва иноқ, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элмамат Мадаминов. – Улар бир-бирининг яхши-ёмон кунидан, иссиқ-совуғидан, тўй-маъракасидан доим хабардор. Ҳамма бир-бирини танийди. Миллатидан қатъи назар ҳамжиҳат, озодалик ва орасталик учун бирдай курашишади.

Маҳалла раиси йўл четида қад ростлаган шинам дўконларга бошлади. Қўрғонда эл хизматига камарбаста тадбиркору, ишбилармонлар кўп экан. Улар чекка қўрғон аҳолиси эҳтиёжи учун зарур озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан дўконлар пештахталарини тўлдириб ташлашган. Тадбиркорлардан бири Улуғбек Нуров эса маҳалладошлари дастурхонига кунига 300 тадан ортиқ табаррук неъмат – нон етказиб бермоқда. У новвойхонани ишлатиш билан бирга, ўтган йилда эркаклар ва аёллар гўзаллик салони ташкил этиб, 5 нафар довғизтовликни иш билан таъминлади.

– Қирқ йилдан буён қўрғондаги шу боғчада ишлаяпман, – дейди мактабгача таълим муассаса раҳбари Галина Губина. – Бу ерда 110 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг овқатланиши, дам олиши, ўйнаши учун ҳамма шарт-шароит етарли. Тез-тез турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирамиз. Ахир болаларнинг соғлом фикрли, шижоатли бўлиб вояга етишларида бу ниҳоятда муҳим.

Шаҳардан узоқдалигига қарамай, боғча барча қулайликларга эга. Шинамгина мусиқа, спорт хоналари, шаҳар, қолаверса, Қизилқум сахроси тарихини ифода этувчи ҳамда тарбияланувчиларнинг ўз қўллари билан тайёрланган турли ижод намуналари ўрин олган музей, ёш авлод камолоти, истиқболи учун яратилган имкониятлардан далолатдир.

Довғизтовда зардўзлик санъати ҳақида сўз очилса, аввало, Бухоронинг дўппию зарбоф тўнлари ҳавас ила тилга олинади. Бу, албатта, тарихи бир неча асрларга бориб тақаладиган Бухоро зардўзлик мактабининг ўзига хос йўналишга эгалиги билан боғлиқ. Ёш чевар, зардўз Соҳиба Орипова ҳам Бухоро зардўзлик мактаби анъаналарини давом эттираётир. Бугун қўрғонда зардўзи тўн, дастурхон ва сўзана тикишда унинг олдига тушадиган чевар йўқ.

Соҳибанинг дастлабки яратган кичик-кичик зардўзи буюмлари қаторига кейинчалик кўзга кўринарли маҳсулотлар қўшилди. Гулдўзи, заминдўзи усулларда тиккан буюмлари маҳалладошлари эътиборига тушди. Энди Соҳиба оддий чевар эмас, балки ҳунармандга айланди, турли буюртмалар қабул қила бошлади.

– Зардўзлик кишидан сабр-тоқат, чидам, катта маҳорат талаб этади, – дейди у. – Бугун зардўзлик сир-асрорларини янада яхшироқ ўрганишга, шу ҳунарни мукаммал эгаллаб, моҳир зардўз бўлишни мақсад қилганман. Довғизтовлик қизлар учун тўгарак ташкил этиш ва уларга зардўзлик ҳунарини ўргатиш ниятидаман.

Эшмамат аканинг айтишича, аввалари Довғизтовда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида бир қатор қийинчиликлар бўлган. Аҳоли шифокор кўригидан ўтиш учун узоқ йўл босиб Зарафшон шаҳрига боришган. Қишнинг қорли-қировли кунларида тез ёрдам чақиришнинг эса умуман имкони бўлмаган.

Бугун эса Довғизтовда қишлоқ врачлик пункти бор. Унда икки нафар умумий амалиёт шифокори, 7 нафар ҳамшира, 2 нафар кичик ҳамшира меҳнат қиляпти. ҚВПда кундузги даволаниш, муолажа, стерилизация, умумий амалиёт, эмлаш, доя, болалар, стоматология, физиотерапия хоналари ҳамда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган лаборатория мавжуд. "Саломатлик-2" дастури асосида ҚВП замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Бугун бу ерда беморларга биринчи ёрдам кўрсатишдан тортиб, ташхисни қисқа муддатда, шу ернинг ўзида қўйиш, ҳатто, ҳомила юрагини бемалол эшитиш имконини берадиган аппаратлар мавжуд. 2011 йилда келтирилган "Автоклав" ускунасида барча тиббий жиҳозлар тез ва ишончли стерилизация қилинмоқда.

– Шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли пунктимиз 2298 нафар аҳолига хизмат кўрсатади, – дейди ҚВП мудири Меҳриддин Раҳмонов. – Бугунги кунда пунктимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга асосланиб ходимларимиз томонидан мактаб, боғча ва маҳаллада турли давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Қўрғондаги 246 та хонадон патронаж ҳамширалар билан тўлиқ қамраб олинган. Оилалар саломатлиги, айниқса, бир ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёллар соғлиғига жиддий эътибор қаратиляпти.

Ҳа, Қизилқум сахросининг қаҳрли қишию оловли саратонида жон куйдириб ишлаётган довғистовликларнинг бугунги турмуш тарзига ҳавас қилса арзийди. Бу ерда мамлакатимиз мустақиллиги туфайли яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, одамларни янгича яшашга ва ишлашга ундамоқда. Натижада эса қўрғон аҳлининг турмуш тарзи йил сайин, кун сайин яхшиланиб бормоқда. Улар ўртасидаги иноқлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат-эътибор, ижтимоий соҳадаги қулайликлар – ҳаммаҳаммаси довғистовликларнинг обод турмуш нашидасини сураётганидан, уларнинг кўнгилларию турмушлари ҳам ободлигидан дарак беради.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида шу мавзуга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда аҳолини ҳуқуқий нашрлар билан таъминлашнинг долзарб масалалари тўғрисида атрофлича муҳокама этилди.**

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШДА НАШРЛАРНИНГ ЎРНИ

Унда таъкидланганидек, ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий билимларга эҳтиёж сезиларли даражада ортади. Табиийки, бу борадаги эҳтиёжни қондиришнинг энг муҳим манбаси – ҳуқуқий нашрлар саналади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ҳуқуқий нашрларга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган "Адолат" нашриёти давлат корхонаси томонидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда нашриёт томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари, кодекслари, турли соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини ўзбек ва рус тилларида, ягона шакл ва андозада, сўнгги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар билан кўп минг нусхаларда нашр этилди. Бир қатор қонун ҳужжатларини халқимизга содда ва тушунарли тарзда етказиш, мақсадида ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига шарҳларни яратиш изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, қатор қонун ҳужжатларига шарҳлар, пенсия таъминоти, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, меҳнат қонунчилигига оид ўнлаб адабиётлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, нашриётнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт Дастури, Тинчлик корпуси, ЮНЕСКО, Халқаро Қизил Хоч ташкилоти, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, хорижий мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, нашриёт нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳам кенг миқёсда ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, мазкур алоқалар доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис, сиёсий партиялар ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисидаги қонунлари, "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари" тўпламлари нашр этилди.

Шунингдек, олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари учун ҳуқуқшуносликка оид қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилди.

**Жалол ИСАЕВ**

# ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ШИЖОАТ ИФОДАСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Гузар маҳалласида фаолият бошлаган "Хўжаобод" масъулияти чекланган жамиятига қабул қилинган 105 нафар ишчининг 88 нафарини хотин-қизлар ташкил этиши, Шераличек маҳалласида очилган "Шерюрак" спорт клубида кўплаб маҳалла аёлларининг спортнинг 8 тури билан мунтазам шуғулланаётганликлари ҳам туманда айни йўналишда ўзига хос тизим йўлга қўйилганлигидан далолат.

Танловнинг Бўз тумани босқичи ноанъанавий тарзда ташкил этилди. Дастлаб тумандаги "Ўрмон" дам олиш масканида қовун сайли ўтказилди. Айниқса, қовун навларини парвариш қилиш борасида катта тажриба тўплаган Абдуманноб Исмоилов, Эркинжон Арслонов сингари уста деҳқонларнинг заҳматли меҳнати маҳсули йиғилганлар томонидан юқори баҳоланди. Шунингдек, бу ерда тадбиркор ва ҳунармандлар бир неча йўналишлар бўйича ўз ишларини меҳмонлар эътиборига ҳавола этдилар. Ипак гилам тўқиш цехини ишга тушириб, 30 нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаган Тўхтахон Тешабоева "Энг кўп иш ўрни яратган ҳунарманд" номинациясида ғолиб бўлди.

– Мен бир ойда гилам тўқиш сирларини ўрганиб, ишли бўлдим, – дейди унинг шогирдларидан бири Одинахон Абдураҳмонова. – Биз тайёрлайдиган гиламлар хорижга ҳам экспорт қилинишини эшитиб, ғайратимга ғайрат қўшилди.

Танлов доирасида Булоқбоши, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Избоскан туманларида ўтказилган меҳнат ва санъат фестивалларида ҳам қишлоқ аҳлининг ўз меҳнати, шижоати билан ҳар жабҳада катта ютуқларга эришиб, турмуш фаровонлигини тобора мустаҳкамлаб бораётганлиги, ҳар бир юртдошимизнинг юрт ободлиги, бунёдкорлигига ўзига хос ҳисса қўшаётганлиги намоён бўлди.

Айни кунларда ҳам давом этаётган тадбирлар доирасида ҳар бир туман ва қишлоқларда, тиббиёт, таълим муассасалари ўртасида ободонлаштириш ва гуллар кўрик-танловлари, бир неча номинациялар бўйича беллашувлар, миллий урф-одат ва анъаналар акс этган бадиий ҳамда концерт дастурлари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, кўрик-танлов юрт аҳлини эзгуликка, бунёдкорликка, янада шижоат ва фидойилик билан меҳнат қилишга ундамоқда.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**

Наманган Вилояти

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат грантлари ажратиш бўйича ўтказилган танловда Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани бўлими «Аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш» номинацияда ғолибликни қўлга киритди ҳамда грант соҳиби бўлди.*

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Ассоциациянинг туман бўлими томонидан танловга тақдим этилган лойиҳада туманнинг чекка қишлоқларида кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш, маҳалла аёллари ва ёшларнинг иш билан таъминланишларига кўмаклашиш ҳамда уларнинг бу йўлда имтиёзли кредит олишларига йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадлари мужассамдир.



– Лойиҳа доирасида туман маҳаллаларида аёллар ва ёшларни бандлигини таъминлаш баробарида улар замонавий тикувчилик ва тўқувчилик дастгоҳлари билан таништирилади, касаначилик, тадбиркорлик ва хусусий бизнесни йўлга қўйиш, бизнес режалар тузишга кўмаклашилади, имтиёзли банк кредитлари олишнинг қонуний йўл-йўриқлари тўғрисида фуқароларга тушунчалар ҳамда амалий ёрдам кўрсатилади, – дейди лойиҳа муаллифи, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Янгиқўрғон тумани бўлими бошлиғи Насиба Усубжанова.

Келгусида лойиҳа фуқароларимизнинг қўшимча даромадларидан унумли фойдаланиб, фаолиятлари доирасини кенгайтиришга қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари барпо этишга хизмат қилади.

**Янгиқўрғон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

Фарғона Вилояти

▼ ТОМОРҚА — ХАЗИНА

# ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИНЛИГИ

*ТАЪМИНЛАНИШИДА ТОМОРҚА ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АҲАМИЯТЛИ*

**Жорий йилда олтиариқлик миришкорлар 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда узум маҳсулотларини экспорт қилишни кўзламоқда.**



Маълумки, миллионлаб ток кўчатлари республикамизнинг деярли барча вилоятларига ҳар йили олтиариқликлар томонидан арзон нархларда етказиб берилади. Президентимизнинг узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори доирасида айни пайтда бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 189 минг нафар киши яшайди. Уларнинг томорқа ерлари эса 3 минг 105 гектарни ташкил этади. Туман аҳолисининг сабзавот, картошка, полиз, мева ҳамда узум маҳсулотларига бўлган талаблари ўрганиб чиқилиб, мавжуд томорқа майдонларининг 2552 гектарига сабзавот, 246 гектарига картошка, 35 гектарига полиз, 50 гектарига дуккакли, 159 гектарга озуқа экинлари экилган. Шунингдек, 60 гектар майдонда мевали боғлар, 625 гектар майдонда эса токзорлар барпо этилган. Мавжуд томорқа ҳамда боғ-роғларни парваришлаш юмушларига 1558 тонна минерал ўғит, 1337 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, керакли миқдордаги мевали ва ток кўчатларини етказиб бериш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Маҳалла фуқаролар йиғинларида уруғлик, кўчат, минерал ўғит, кимёвий восита ва инвентарларни сотишга ихтисослашган янги иккита шохобча ташкил этилиб, улар таркибидаги 14 та дўконда савдо-сотиқ йўлга қўйилган. "Агробанк"нинг туман филиали томонидан ҳар ўн мингта хонадонга бир донадан "Дамас" автомашинасининг ажратилгани, аҳоли эҳтиёжларига қараб уруғлик, кўчат, минерал ўғит, кимёвий воситаларни сотиб олиш, айниқса, хонадонларда енгил конструкцияли иссиқхоналарни ташкил этиш учун зарур бўлган маблағлар кредитлар ҳисобидан молиялаштирилгани бу борадаги ишларни янада илгари силжишида муҳим омил бўлаётир. Ҳозиргача тумандаги тижорат банклари томонидан 211 та хонадонга енгил конструкцияли иссиқхоналарни ташкил этиш, кўчат экиш, уруғлик ҳамда иш қуроллари сотиб олиш учун 757 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган.

Плёнка остига бодринг экиб, ундан мўл ҳосил олишга одатланган олтиариқликлар бу йил 710 гектар майдонга сабзавот экинларини жойлаштирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, туман аҳолиси томорқаларидан олинадиган даромад 100 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан талаб ва эҳтиёжини узлуксиз, меъёрида бўлишини таъминлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш музлаткичлари ёки қайта ишловчи миницехлар катта ўрин тутади. Шу боис, туманда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи 10 та миницех, 3 минг тонна сиғимга эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақловчи 10 тадан ортиқ музлаткичларни барпо этиш, мавжуд 20 минг тонна сиғимли музлаткичлардан эса самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, туман ҳудудида олтита мавсумий деҳқон бозорларини ташкил этиш орқали нархларнинг барқарорлигига эришиш, томорқалардан олинаётган даромадларни янада кўпайтириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

# ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

**Самарқандда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари салоҳиятини ошириш ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.**

Давлат ва жамият ўртасидаги амалий мулоқотни оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар доирасида ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида ҳам бу жиҳат ўз аксини топган. Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб беради. Аҳоли ва жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган семинар-тренинг Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Regional Dialogue" нодавлат ташкилоти ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинар-тренингда мамлакатимизда матбуот, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан аҳолини хабардор қилишнинг янги механизмларини қўллаш, ушбу йўналишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, айниқса, жорий йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётгани муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

ЭЪЛОН

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

# УП «КУЧЛИК НЕФТ БАЗА» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

**«Реконструкция ограждения территории УП «Кучлик нефт база» Уртачирчикского района Ташкентской области».**

**Стартовая цена заказчика** с учетом НДС составляет – 1 334 366 012 сум; Без учета НДС составляет –1 111 971 677 сум.
**Срок окончания работ** 200 дней.

**Финансирование проекта будет осуществляться за счет** собственных средств заказчика.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** УП «КУЧЛИК НЕФТ БАЗА».

**Адрес заказчика:** Ташкентская область, Уртачирчикского района ул.Бобур58.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключения договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполнных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: Ташкентская область, Уртачирчикского района ул.Бобур 58.

Вскрытие оферт состоятся не менее чем через 30 дней со дня опубликования объявления.

Утерянный план и гос. ордер № 09-02/4326 от 3.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Азизовой Дилором Джумабоевны, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (25.03.2013 й., реестр № 0112940) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Йўлдошев Иззат Иброҳим ўғлига (ИНН 495545131) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

В связи с утерей лицензионной карточки ООО "ALFA-SPORT SERVICE"серии АТ № 0063017, выданной 15.03.2013 г. Департаментом лицензирования и координации движения всех видов пассажирского транспорта хокимията г. Ташкента, считать данную лицензионную карточку недействительной.

Сирдарё Вилояти

# Янги истеъдодлар кашф этилди

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида юртимизда анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар кўрик-танлови юзлаб иқтидорларни кашф этмоқда.**

Жорий йилда Сирдарё вилояти бўйича кўрик-танловнинг туман ва шаҳар саралаш босқичларида қарийб уч мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Уларнинг орасидан сараланган 571 нафар талабалар, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаби ўқувчиларидан иборат ёшлар кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашди.

Тадбир доирасида кўрик-танловнинг "Архитектура ва дизайн", "Анъанавий ва амалий санъат" номинацияси иштирокчиларининг рангтасвир, амалий санъат ва меъморчилик ишларининг кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, "Адабиёт ва публицистика" номинацияси бўйича қатнашчиларнинг назм, наср ва публицистика жанридаги қатор асарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муҳокама этилди.

– Кўрик-танлов кўплаб ёш иқтидорларни аниқлаш, юзага чиқариш имконини берди, – дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўйича кординатори Гулноза Бектемирова. — Ўйлайманки, биз танлаб олган ёшлар республика босқичида фаол қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш этишади.

Кўрик-танлов якунларига кўра, вилоят босқичида ғолиб чиққан 45 нафар ёшлар жорий йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган "Келажак овози-2013" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**



Жисмоний шахслар учун
омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар, бу — сизнинг бўш пул маблағингизни нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланишидир.

**Сизнинг омонатингиз:**

- банк сири ҳисобланади;
- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- ўз ихтиёрингиз бўйича чекланмаган тартибда фойдалана оласиз;
- қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

«Ипотека-банк»даги омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Тел.: (8-371) 150-89-17,
(8-371) 150-89-57,
(8-371) 150-89-58.
www.ipotekabank.uz

IPOTEKA BANK

Хизматлар лицензияланган.

○ Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!
«АСАКА» банк (ОАЖ)
қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

*миллий валютада*
«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

*хорижий валютада*
«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади



Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ) ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



| | |
|---|---|
| 1. Тошкент шаҳар филиали | (371) 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371) 120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 |
| 5. Сирғали филиали | (371) 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374) 233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374) 226-97-53 |
| 10. Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373) 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 |
| 13. Қўқон филиали | (373) 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366) 221-77-56 |
| 21. Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| 24. Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.
ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Хизматлар лицензияланган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ

- Тракторлар, турли серияда 60 дан – 600 от кучигача.
- Комбайнлар
- Пресс-подборщиклар
- Омочлар
- Пуркагичлар
- Косилкалар
- Бороналар
- Культиваторлар
- Минерал ўғит сочадиган мосламалар



Ўзбекистон Республикаси бўйича сервис хизмати кўрсатилади. Кафолат муддати 1 йил.

JOHN DEERE

Тел: (998 71) 241-02-29, (998 90) 326-81-11
Сайт: www.agtech-agri.uz e-mail: info@agtec.eu
Хизматлар лицензияланган.

Паррандачилик фермалари (фабрикалари), балиқчилик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Қуйидагиларни сотамиз:
- Суяк ва гўштли суяк уни (товуқ учун).
- Натрий гипохлорит (суюқ ҳолатда) ва кальций кукуни.
- Пойдеворда ва том ёпишда қўлланиладиган муҳофазаловчи материал – полиизол (фольгоизол).
- Кир ювиш кукуни, идиш-товоқ ювиш учун гель.

«ODDE-AG» Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.
моб. +99890 925-99-40 тел. +99871 279-40-30
Факс: +99871 120-70-30 E-mail: odde@mail.ru
Маҳсулотлар сертификатланган.

АГРОТЕХНИКА

~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Прессподборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST
Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

АГРОМАШ
ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:



ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

СП ООО "UZTEX CHIRCHIK" сообщает об уменьшении уставного фонда с 47 592 340,58 долларов США до 43 647 608,25 долларов США. По интересующим вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент ул. Навои д. 18 "Б". Тел./факс: 241-06-33, 120-69-75.

Утерянный диплом К № 263991, выданный в 2005 г. Педагогическим колледжем Ташкентской области на имя Хайитовой Сарвиноз Эркиновны, считать недействительным.

Утерянные кадастровые документы и план дома, расположенное по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н ул. Учтепинская (быв. Хабиб Абдулла) 22-в, выданный Учтепинским БТИ на имя Ахметовой Саламат Гарифовны, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 005446-01, 08.11.2012 й.) рўйхатга олинган "GRAND MANZUR GROUP" МЧЖ (ИНН 302416144) корхона таъсисчисининг 25.07.2013 й.даги 4-сонли баённомасига асосан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли тугатилади. Даъволар 2 ой муддатда қабул қилинади. Тел.: +998 (94) 607-28-44.

Утерянные бланк страхового полиса ОАО "KAPITAL SUG"URTA" серии KS 0483653, считать недействительным.

ООО "EURASIA KRAS GROUP" (ИНН 302009579) Шайхантахурского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 302 524 003 сум до 203 430 000 сум. Тел.: 998-13-31.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (12.10.2010 й., реестр № 006359-08) рўйхатга олинган "INSHOOT MAXSUSMONTAJ QURILISH" МЧЖнинг (СТИР 301716199) устав жамғармаси таъсисчиларнинг йиғилиш баённомасига асосан 57 000 000 сўмдан 3 400 000 сўмга камайтирилмоқда. Даъволар Тошкент ш. Чилонзор т. Бунёдкор шоҳ кўч. 64-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "EVERMORE TRADE" ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли "EVERMORE TRADE" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

"STAINLESS STEEL SERVICE" МЧЖнинг (ИНН 300621556) устав фонди 233 069 400 сўмдан 195 586 837,2 сўм 20 тийингача камайтирилди. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. 17-мавзе 18-уй.

"KART-BOKS" МЧЖнинг (ИНН 200652505) устав фонди 210 872 833 сўмдан 32 668 032 сўмгача камайтирилди. Манзил: Ниёзбек йўли 3-тор кўч. 4-уй. Тел.: 235-58-58.

Якка тартибдаги тадбиркор Агзамова Тамара Бувахановнага тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т.даги 198-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005-2006 ўқув й.да Умитов Ойбек Аюпхон ўғли номига берилган U № 2293697 сонли 9-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК Ҳамза т. Хизмати томонидан Ташкулов Актам Джурабаевич номига Ҳамза т. Гўзал маҳалла 6-тор кўча 28-хонадон учун берилган уй плани ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "PREMIUM SOLUTIONS SYSTEMS" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонага 11.07.2013 й.да берилган 3715 сонли (форма-18) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т.даги "ZERDA" МЧЖ (ИНН 301573014) устав жамғармаси 1 022 700 000 сўмдан 962 000 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Тел.: +99894 666-22-47.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Исраилов Тўлкин Олмабаевич номига Тошкент ш. Сергели т. Сергели-6 мавзеси Янги Сергели кўч. 3-уй Автомажмуа ҳудуди 6/1 қатор 17-сонли савдо дўкони учун 6-317/2010 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари ва 26.11.2010 й.да берилган ТА № 398138 сонли бино ҳамда ер участкасига берилган кадастр Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КАМОЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.00
15844 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5